

Ушбу сонда:

2

ДАРОМАДАН КЎНГИЛ ТЎЛСА чарчоққа ҳам фурсат бўлмайди

3

Бир Фармон шарафоти ТАДБИРКОРЛИК ҲАРАКАТИГА КЕНГ ЙЎЛ

4

Танлоё ТАҚДИР ТАБАССУМИ

ҚОРАҚЎЛ - ДУНЁ БОЗОРИГА

Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти Қашқадарь филиали, вилоят «Қоракўл» ботаника-зоогеографик ва экология институтининг илмий изланишлари натижасида қоракўл қўйларнинг қовурғасимон қаламулли зоти яратилди. Одатда қоракўл тери ҳаёт бозорига қимматбаҳо маҳсулотлардан ҳисобланади. «Аваз чўл» номи билан аталган мазкур зот берадиган терилар эса ўта харидор-гирлиги билан ажралиб туради. Бу маҳсулот ранги ва тишичилиги билан бошқа қоракўл терилардан фарқ қилади, - дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциясининг бошлиғи Дилшод Пирназаров. - Қоракўлчиликда валюта тушумини таъминлайдиган қимматбаҳо ҳомаш - қоракўл тери ишлаб чиқаришни жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. «Аваз чўл» зоти ҳам шундай кўп йиллик изланишлар маҳсулидир.

Вилоятда қоракўл қўйларнинг наслини яхшилаш натижасида қора, кўк ва сур рангли сифатли терилар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилмоқда.

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 28 март, сешанба № 55 (2104)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Касаба уюшма ибрати

Хар фаслнинг ўзига ҳос гашти бор. Аммо, баҳорнинг таровати ўзгача. Кўкман инсон қалбидagi энг нозик, гўзал туйғуларни жунбушга келтиради. Шунинг учун бўлса керак, қалбимдан Наврўз йил деб-часи, табиатнинг уйғониши сифатида нишонлаб келинади. Етилган тупроқ бағрига уруғ ташлаб, ризқ-рўз ва насбамизга асос солинади.

ҳамда 850 тупдан зиёд гул кўчатлари ўтказилди. Наврўз муносабати билан 18-маҳсуз мактаб-интернатига 200 минг,

Ўзбекистон болалар спорти-ни ривожлантириш жамғармаси Андижон вилоят филиалига 550 минг сўм миқдориди

МЕҲР-МУРУВВАТ анъаналаримиз гултожи



— Наврўз арафасида мамлакатимизнинг барча сарҳадлари ва минтақаларида саховат тadbирлари уюштирилди. Барча қорхона, ташилот ва муассасалар каби Андижон муҳандислик-иктисодиёт институтида ҳам байрам арафасида меҳрға зор, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда кўп болали оилалар аҳоли яна бир қарра ўрганиб чиқилди, - дейди бирлашган касаба уюшма кўмитаси расиси Ҳамидулло Матисаев. — Байрам рўзи ҳар бир профессор-ўқитувчи, ишчи-хизматчи, талабалар қалбига жўш уриши, қўйиш барчага ўз нурини баб-баробар сочгани каби бу айём шодлигидан барча баҳраманд бўлиши учун бир қатор тadbирлар амалга оширилди. Шундан кўра, профессор-ўқитувчилари томонидан минг тупдан зиёд манзарали, 1200 туп мевали дарҳат

хомийлик ёрдами кўрсатилди. Бу ерда талабалар ҳамда ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Оилавий маросим, тўй-тантаналарга моддий ёрдам кўрсатиш анъанага айланган. 9 нафар ходимга ана шундай кўмак берилди. 26 нафар кам таъминланган ишчи-хизматчи, шунингдек, 232 нафар талаба, 14 нафар ноғоронга соғлиқларини тиклаш ва дори-дармонлар сотиб олишлари учун ёрдам кўрсатилди. Институтнинг ўқув-моддий техника базасини мухташамлаш учун ички имкониятлардан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, кутубхона адабиётлар билан бойитилди. Эндилда талабалар интернет орқали бошқа кутубхоналар билан ҳам боғланишлари мумкин. Талабалар шароитини яхшилаш мақсидида 2-Талабалар турар жойи таъмирдан чиқарилмоқда.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири

Ўзбекистон Республикаси ташқи сибсатида Корея Республикаси билан ҳамкорлик алоқалари муҳим ўрин тутади. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Ўзбекистон билан Жанубий Кореянинг маданий алоқалари ривожига мамлакатимизда фаолият кўрсатётган корея маданияти марказлари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ташкилотимиз 15 йилдан буён фаолият олиб бораётди, - дейди Корея маданияти марказлари уюшмаси расиси Владимир Шин Уза мухбирига. Унинг асосий мақсади Ўзбекистонда истиқомат қилувчи корея миллиятига мансуб фуқароларнинг миллий маданияти ва урф-одатларини сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказишга ҳисса қўшишдан иборатдир. Бу борада давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллати, дини ва этникликдан қатъий назар барча фуқароларнинг яшаш, меҳнат қилиши, таълим олиши - барча конституциявий ҳуқуқлардан фойдаланиши учун тенг шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Жумладан, жанубий кореялик миллиятдошларимиз ҳар гал Ўзбекистонга келганларида корея маданий марказлари учун яратилган шароит бошқа мамлакатлардагига нисбатан анча яхши эканини таъкидлашади.

Владимир ШИН: ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи олдидан

Уюшмаимиз мамлакатимиздаги барча вилоятларда ўз бўлимига эга. Бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маданий ва хайрия тadbирларини ўтказиш яхши анъанага айланган. Хусусан, корея тилини ва корея миллий рақсларини ўрганмоқчи бўлганлар учун махсус курслар ташкил этилган. Уюшмаимиз ҳузурида шoir, ёзувчи, расом, хайкалтарош, хонанда ва созанда каби ижодкорларни ўзига бирлаштирган санъаткорлар гильдияси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Утган йилнинг сентябри-Шин, Искра Шин, Александр Ли, Мирон Хегай, Лана Лим, Светлана Цой каби мўйқалли соҳибларининг икки юздан ортиқ ижод намунаси намойиш этилди. Юртимизда - Корея Республикаси, Кореяда эса Ўзбекистон маданияти кўнлари ўтказиш яхши анъанага айланган. Уни ташкил этишда Корея маданияти марказлари уюшмаси ҳам фаол иштирок этиб келаяпти. 2005 йилнинг октябрида мамлакатимизда Корея Республикаси маданияти кўнлари ўтказилди. Бир ҳафта давомида Алишер На-

воий номидаги Ўзбекистон Давлат Академик Катта театрида Ўзбекистонлик ва кореялик опера санъаткорлари концерти, корея кино фестивали ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистонда 200 мингдан зиёд корея миллиятига мансуб аҳоли яшайди. Улар юртимизнинг иқтисодий, сибсий ва ижтимоий ҳаётига амалга оширилаётган ишчилохотлар жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ўтган йилнинг май ойда Корея Республикаси Президенти Но Му Хёнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи чоғида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кореяликларнинг мамлакатимиз тарихий-маданият хизматлари оқори баҳолани қалбларимизни фахрийдорга тўлдирди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28-30 март кунлари Корея Республикасига бўладиган давлат ташрифи бизни беҳад кувонтирганини алоҳида мамнуғит билан таъкидламоқчиман. Биз катта умид ва ишонч билан кутаётган мазкур сафар мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликнинг янада муқтаҳкамлашига муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ.

Уза мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОВ ёзиб олди

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан

НАХШАБ - ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТИЗИМИДА

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Бу йил Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 670 йиллик юбилейини нишонлаб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Яё Гўломова номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» доимий илмий семинарининг «Нахшаб-Қарши жаҳон цивилизацияси тизимида» мавзусидаги навобатдаги йиллиги ҳақида «Темурлар дари тарихи ва маданияти» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Амир Темур фаолияти ва ҳаётининг кўп давлари Қарши ва Шахрисабз шаҳарлари билан бевосита боғлиқдир. Юбилейлар арафасида ўтказиладиган илмий-амалий анжуманларда республика Фанлар академиясининг Шарқшунослик, Тарих, Археология институтлари ҳамда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ислом университети, Қарши давлат университетининг профессор - ўқитувчилари, олимлар, археологлар ҳамда шoir ва ёзувчилар иштирок этишди. Уза Фава президент Т.Мирзаев истиқлол тўғрисида 2700 йиллик ёшнинг нишонлаётган Қарши шаҳри тобора навқиронлик касб этиб, хар қилмоқчи бўлиб муносабати билан бу ерда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, маънавий - маърифий тadbирлар ҳақида тўхталди.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«Ишонч» газетасининг шу йил 7 феврал сонидида чоп этилган «Қарздорнинг қосаси оқармайди» сарлавхали танқидий мақолада Қўрғонтепа туманидаги А. Навоий номидаги ўлка хўжалигида 2005 йил давлатга пахта сотиш режаси бажарилмай, ҳосилдорлик пасайтириб юборилганлиги, ёқилги-мойлаш материаллари, уруғлик, минерал ўғитлар билан етарли миқдорда таъминланган бўлса-да, гектар бошига даромад режадагидан паст бўлганлиги, бир хил шароитда виждонан, ҳалол меҳнат қилган пахтачилик бригадалари белгиланган режаларни ортиғ билан бажарганликлари ҳолда, айрим бригадалар режаларни бажара олмаганликлари, бунда ширкат хўжалиги бош мухташсислари, агротехника тadbирларини ўз муддатида сифатли бажарилишида бригада бошлиқларига нисбатан талабчанликни, ижро илтизомини сусайтириб юборганлиги, ширкат аъзоларининг иш ҳақлари, 2 йиғача бола парварииши билан банд бўлган оналарга тўланадиган нафақа пулларни ўз вақтида берилиши таъминланмаётганлиги, машина-трактор паркида ходимлар, тadbирлоочиларга етарли шарт-шароит яратилмаганлиги баён қилинган эди.

Ушбу танқидий мақола туман ҳокимлигининг масъул ходимлари томонидан ўрганилганида қуйидагилар аниқланди: Ширкат хўжалигида 2005 йил 831 гектарда пахта экилган. Давлатга 2328 тонна урнига 1901 тонна хом ашё сотилиб, режа 81,6 фоизга урдаланган. Соҳадан 662200 минг сўм урнига 587842 минг сўм даромад қилинган. Режага нисбатан 74159 минг сўм кам даромад олинган. Ширкат хўжалигининг 2006 йил 1 март ҳолатига иш ҳақидан 73,6 миллион сўм, 2 ығача бола парварииши билан банд бўлган оналарга тўланадиган нафақа пулидан 11,9 миллион сўм қарздорлиғи мавжуд. Январ - феврал ойларида аъзоларга 11483 минг сўм ҳақ пул ва натура ҳолида иш ҳақи берилиб, қарздорлик қамайтирилди. Хўжалик автомашинаси ҳайдовчиси Р. Деҳқоновга иш ҳақи тўлалади берилди. Хўжалик машина-трактор паркида тракторчи ва техник х-

Юртбошимизнинг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш аянлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Мақамаси мажлисидаги марбузасида электр энергиясини ҳисобга олининг замонавий тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган эди. Зеро, жаҳонда энергия ресурсларини танқислиги ва нархи мутазам ошиб бораётган бир шароитда тежамкорлик фoyт доғлари аҳамийат касб этмоқда.

МАСОФАДАН ТУРИБ БОШҚАРИЛАДИ

Тошкентдаги «Elektron xisoblagich» Ўзбекистон-Хитой қўшма қорхонаси электрон электр энергияси ҳисоблагичларини ишлаб чиқаришга иктисослашган. - 2005 йилда умумий қиймати икки миллион АҚШ долларидан ортиқ 150 минг донга сифатли ва харидорнинг электрон ҳисоблагич ишлаб чиқардик, - дейди қўшма қорхона бош директори Ойбек Дўсухаммедов Уза мухбирига. - Жорий йилда яна тўрт юз минг донга аш шундай ҳисоблагич етказиб беришни мўлжаллашимиз. Бундай ҳисоблагичларнинг афзаллиги шундаки, уларда замонавий интерфейс ва микро қурилмалари ўрнатилган бўлиб, энергияни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларида самарали қўллаш мумкин. Масалан, электрон ҳисоблагични ўрнатган жисмоний ёки юридик шахс энергиядан ўғринча фойдалана олмайди. Худудий электр тармоқлари бошқарув пултида кимга қанча энергия ажратилгани ва ундан қандай фойдаланилаётганини ҳақида аниқ маълумот олиб турилади. Қолаверса, фойдаланилган энергия учун қардорлик ҳолати аниқланганда ҳисоблагич масофадан туриб автоматик равишда тўхталибди. Ана шунда энергиядан бутунлай узилиб қолган мижоз энергия ҳақини ўз вақтида тўлашни қанда қилади.

А. ЭРГАШЕВ, Қўрғонтепа тумани ҳокими

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан


НАХШАБ - ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТИЗИМИДА

«Ишонч»га жавоб берадилар

«Ишонч» газетасининг шу йил 7 феврал сонидида чоп этилган «Қарздорнинг қосаси оқармайди» сарлавхали танқидий мақолада Қўрғонтепа туманидаги А. Навоий номидаги ўлка хўжалигида 2005 йил давлатга пахта сотиш режаси бажарилмай, ҳосилдорлик пасайтириб юборилганлиги, ёқилги-мойлаш материаллари, уруғлик, минерал ўғитлар билан етарли миқдорда таъминланган бўлса-да, гектар бошига даромад режадагидан паст бўлганлиги, бир хил шароитда виждонан, ҳалол меҳнат қилган пахтачилик бригадалари белгиланган режаларни ортиғ билан бажарганликлари ҳолда, айрим бригадалар режаларни бажара олмаганликлари, бунда ширкат хўжалиги бош мухташсислари, агротехника тadbирларини ўз муддатида сифатли бажарилишида бригада бошлиқларига нисбатан талабчанликни, ижро илтизомини сусайтириб юборганлиги, ширкат аъзоларининг иш ҳақлари, 2 йиғача бола парварииши билан банд бўлган оналарга тўланадиган нафақа пулларни ўз вақтида берилиши таъминланмаётганлиги, машина-трактор паркида ходимлар, тadbирлоочиларга етарли шарт-шароит яратилмаганлиги баён қилинган эди.

ҚАРЗДОРНИНГ КОСАСИ ОҚАРМАЙДИ

димиларнинг бўш вақтларда дам олиши учун телевизор, газета ва журналлар билан таъминланди. Аъзоларнинг вақтида иш ҳақи олишлари назорат қилиб бориш уларнинг ҳақ-хўқуқларини химоя қилишда талабчанлик кўрсатмаётган касаба кўмитаси расиси У. Тожибоевга нисбатан чора қўриш масаласи туман агро саноат мажмуи ходимлари касабига уюшмаси кўмитаси раҳбарияти билан келишган ҳолда, хўжалик касаба кўмитаси аъзоларининг умумий йиғилишида хал этилади. Танқидий мақола ширкат хўласи чиқарган ҳолда далада ишлаётган аъзоларга унумли меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратиш, иш ҳақи ва нафақа пулларидан қарздорликни қамайтириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги камчиликларга барҳам бериш, мутахассис, бригада бошлиқларига нисбатан талабчанликни, шахсий масъулиятини ошириш юзасидан тadbирлар ишлаб чиқилди ва шу асосда иш ташкил қилинмоқда.



ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Ёшлардаги иқтидор ва қобилиятни юзага чиқаришга кўмаклашиш таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий ўзгариш ташкил этади. Мазкур эзгу мақсадга хизмат қилаётган масканларнинг фаолиятини кўллаб-қувватлашга доимий аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Марказий Кенгаши ана шундай хайрли ишлар ташаббускорига айланмоқда.

Хайт шундайин бир синаотки, ёшинг улғая борган сайин бу нарсанга юз бор, минг бор ишонч ҳосил қиласан. Айниқса, турмуш қуриш, оила деган мўъжизанинг қанчалик мураккаблигини ифода этишга сўз ожизлик қилади. Гоҳо, қимларнингдир тўйдан кейин сал ўтмасдан ажрашиб кетганлигини эшитиб беихтиёр хайратдан ёқа ушлабсан киши.

— Ахир, улар севиб турмуш қуришганда, — дея баъзиларнинг айтган гаплари ажабланишингни баттар оширади.

— Гоҳо, суд идоралари, Фуқаролик ҳолатлари далолатномасини ёзиш бўлимлари эшиклари олдида навбат кутиб турган, она суги ҳали оғзидан кетмаган ёш келин-куёвларнинг хомуш чечраларини кўриб ачиғиб кетасан, — дейди Наманган шаҳар ФХДБ бўлими мудири Назархон Пулатова, — энг ачинарлики, уларнинг кўпчилиги "оила" деган муқаддас тушунчанинг мазмун-моҳиятини яхшироқ тушуниб етишмади ҳам. Баъзилар ростдан ҳам бир-бирини кўриб-билиб юрган (эҳтимол мактабда бирга ўқишган) бўлишса-да, лекин оила деган мўъжизанинг ўзига хос талаблари ва сивовларига дуч келишганда гангиб қолишган. Кейин эса қайсидир "маслаҳатхўй" тасвирида ажралиш учун ариза кўтариб келишган. Айримлари эса хонадонда ҳамма нарсани ҳал қилувчи онанинг кўрсатмасига биноан хотиннинг "паттасини қўлга ушлаб, адабини бериб қўйиш учун" келишган. Энг ачинарли жиҳати шундаки, эр-хотин биргаликда яшаган

даврда фарзанд дунёга келади ёки аёлда ҳомиладорлик қайд этилади. Демак, уларнинг ажралиши хайтда "тирик етим"нинг пайдо бўлиши ҳолатини вуқудга келтиради. Қараб-сизки, қайсидир ўғил ёки қиз бола бунгун хайти давомида инсон учун энг азиз, муқаддас саналган ота ёки

тирок этаётган ўғил-қизлар учун машгулотларни осон ўзлаштиришларида асқотувчи муносиб тўхфа бўлди.

— Марказимизда санъат, касб-хунар ва тил ўрганиш-тимизнинг Ҳама туманидаги Ҳуқуқчилар ижодиёт марказига замонавий компьютер тўплами соғва қилинди. Бу турли тўғарақларда иш-

ўзи қизиққан соҳа бўйича машгулотларда қатнашяпти. Ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етишувига ҳисса қўшаётганимиздан ғурурланамиз. Бу борада бизга кўмакдош бўлаётган касабаси уюшма фаоллари миннатдорчилик билдираемиз.

Т.ЭШТЎХТАРОВ

Оила — муқаддас

битта оиланинг бузилиши жамият ҳаёти пойдеворининг қайсидир қисми дарз кетиши, демакдир. Ёки кексалар тили билан айтганда, шундай кўнгилсизликлар оқибатида табиат ҳам ларзага келиб, осмоннинг қайсидир қисмида чақмоқ чақиб, момоқалдирик гулдираркан. Шундай экан, яхши ниёт, осмон қадар орзумидлар билан барпо этилган оила бузилмаслиги учун зарур бўлган чора-тадбирни ишга солимоқ лозим.

танинг маълум кунларида қиз ва ўғил болалар учун алоҳида гуруҳларга ажратилган ҳолда олиб борилади. Шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, турмуш маданияти билан таништириш, тўйдан олдин ва кейин ота-онага, қайнона ва қайнотага муомала муносабати, яқин қариндошлар ўртасида ўз берадиган никоҳнинг ўлдаси олишга қаратилган суҳбатлар ҳеч қимни бефарқ қолдирмаслиги керак. Жумладан, келин-куёвларни тиббий қўриқдан ўтказгандан сўнг рўйхатга қайд этиш қатъий одатга айланб бормоқда. Масалан, ўтган йили шаҳар миқёсида бир мингдан ортиқ никоҳ қайд этилган бўлса, уларнинг асосий қисми шу талабни бажаргандан кейин турмуш қурдилар. Наманган шаҳар 1-ФХДБ бўлими қошидаги "Оила дорифунуни"да келин ва қуёвларнинг никоҳдан ўтганларидан кейинги ҳуқуқи ҳамда мажбуриятлари юзасидан кенг тушунчалар бериб берилмоқда. Бундан ташқари, олийгоҳлар, ўрта махсус ўқув юртлири талабалари, коллеж ва гимназиялар ҳамда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида ҳам оила ва никоҳ мавзуларида суҳбатлар ташкил этилмоқдаки, булар шубҳасиз, "оила" аталмиш жамиятимизнинг кичик биригини янада мустахкам бўлишига хизмат қилади.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири

ФАРЗАНДИМ ЕТИМ БЎЛМАСИН ДЕСАНГИЗ

она меҳрига муҳтож бўлиб воёга етади. Бу фожевани, афсуски, ҳамма ҳам хаёлига келтиривермайди. Таассуфлар бўлсинки, ўтган йили Наманган шаҳрининг А.Воҳидов, Охунбобоев номи, "Зарбдор", "Мажнун-тол", "Гўзал-2", "Гулистон", "Оромгоҳ", "Заркент" маҳаллаларида худди ана шундай ҳолатлар кўпайди. Бинобарин, ушбу маҳаллаларнинг фуқаролар йиғинларига тақдирномалар киритилиб, аҳоли ўртасида оилани мустаҳкамлашга бағишлаб йиғинчилар ўтказиш ҳамда тушултириш ишларини кучайтириш юзасидан топшириқлар берилган.

Суҳбатдошимиз таъкидлаганидек,

Бир Фармон шарофати ТАДБИРКОРЛИК ҲАРАКАТИГА КЕНГ ЙЎЛ


Тадбиркорлик — давр талаби. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, савдо-сотиқни йўлга қўйиш, аҳолини иш ва доимий даромадлар билан таъминлашда тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг фаол иштироки эътиборга олинади.

Бугун вилоятимизда 22 мингдан зиёд юридик шахслар фаолият кўрсатмоқда. Биргина ўтган йил мобайнида уларнинг сони 8200 нафарга кўпайган. Шунингдек, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ривожланиши туфайли вилоятда бир қатор энгил санаят мажмуалари қурилиб, ишга туширилди. Айни пайтда Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигидаги «Хоразм-Нуртон», «Шовот-Текстиль», Ўзбекистон-Германия ҳамкорлигида «Унико», Хива-Карпет сингари 26 та йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар мамлакатимизнинг ички бозорларини юқори сифатли тўқимачилик ва гилам маҳсулотларига бойитиш билан бир қаторда, хорижий давлатларга ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Президентимизнинг «Микрофирма ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони тадбиркорлар учун бир мунча энгилликлар яратди. Ягона солиқ тўлови жорий этилди. Бу солиқ тўлови учун ҳам, солиқ ҳисоботи учун ҳам нияҳатда қўлай бўлиб, тадбиркорнинг эътиборини асосий ишлаб чиқариш фаолиятига қаратишга имкон беради. Вақтни тежайди, қоғоз сарфини камайтиради. Натихада шохма-шошарликларга чек қўйилиб, ҳисоб-китоб ишларининг аниқ ва пухта бўлишига таъминланапти.

Фармонга кўра иқтисодиётнинг ягона солиқ тўлови 15,2 фоиздан 13 фоизга камайган. Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, бу суммани имтиёзли давр тўғрагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилган. Бунинг қўлайлик томонлари шундаки, янги ташкил этилаётган корхоналар имтиёз даврида солиқдан бўшаган маблаглар ҳисобига устас жамғармаларини шакллантиришга, айланма маблағларини қўлайитиришга, ишлаб чиқариш қувватларини оширишга йўналтиришлари учун шарт-шартларидир.

Одилхон РУСТАМОВ, Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи



ЯНГИ ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ СТАНЦИЯ

Бугунги ҳаётимизни телефон хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, телефон алоқалари корхоналарининг кўп қиррали фаолиятида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Узқони яқин қиладиган қўлай бу алоқа воситасига бўлган талаб ва эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда.

Хусусан, «Тошкенттелеком» филиали Чиноз телекоммуникациялар боғланмаси жомаси замон талабидан келиб чиқиб, аҳолига намунали ва сифатли хизмат кўрсатишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Тошкент вилояти телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва тақомиллаштириш дастурига асосан яқинда туман аҳолиси ўзига хос қўлайликка эга бўлди. Бу ерда Хитойнинг «Хуавей технология» компанияси билан ҳамкорликда 3 минг мижозга хизмат кўрсатадиган янги телефон тармоғи ишга туширилди. Бу алоқа тизимининг ишга туширилиши билан вило-

ят ва республиканинг истиқомат қилинган жойига тўғридан тўғри улашиш имконияти яратилди.

— Янги телефон алоқа боғланмаси иш сифатининг юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради, — дейди туман телекоммуникация боғланмаси бошлиғи Абдуқосим Хайитов. — Шу туфайли бошқа АТСларда ҳам рақамли электрон станцияни ишга тушириш, алоқа хизматини замон талаби даражасида яхшилашга ҳаракат қилинмоқда.

Акмал АЛЛАМУРОВ, «Ишонч» муҳбири
Суратларда: электрон алоқа муҳандислари иш фаолиятдан лавҳалар.

«Зомин асали» хусусий фирмасида ўтган йили 10 тонна асал етиштирилди. Фирма маҳсулотининг юқори сифати билан истеъмолчиларга манзур бўлаётганини Жизжақ бозорига ўтказилган «Асал сайли» ҳам исботлади.

— Ушбу сайлга келганларнинг кўпчилиги ҳақиқий асални биринчи марта тотиб

куришди, — дейди фирма раҳбари Фахриддин Аҳмедов. — Бизнинг асалимиз билан бугун бозорлар йўл бўйларидан сотилаётган ясама «асал»ларнинг ер билан осмонча фарқи бор. Шу боис харидорларимиз сони кескин кўпаймоқда.

ШИФОКОРЛАР МУЛОҚОТИ

Яқинда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари Марказий Кенгаши Сирдарё вилоят вакилиги ташкил этган мулоқотда кўплаб масалалар ечилди. Одамлар дардига дармон, ярасига малҳам бўлишда қишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари ҳамшираларига ҳеч қим тенглашган эмас. Аммо аксарият ҳолларда ана шу фидойилар эътибордан биров четда қоладилар. Мазкур учрашувда улар ўй фикрлари, ташвишу қувончлар баҳам кўрилди. Гулистон шаҳридаги «Уч қурол» кафесида худуднинг олис ва яқин манзилларидан кел-

ган саломатлик посбонлари тажриба алмашди, бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қурдилар.

— Саломатлик муҳофазасидаги энг оғир юмуш ана шулар зиммасига тушади, — дейди Марказий Кенгашнинг Сирдарё вилоятидаги вакили Раъно Абдалимова. — Шифокорлар вафаларини бажаришлари учун мудом лой, чанг кечиби, иссиқ-соғуқ кунларни писканд этмасдан бурчга содиқ қолишяпти.

Тадбир қишлоқ табиёт ходимларини беҳад мамнун этди. Улар мароқли учрашувдан сўнг қайноқ меҳнатда ўзларини кўрсатишга қаттиқ бел боғлашганини изҳор этишди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Оролбўйи томонларда

Оғир қарвон автобус йўлга тушди. Сўлим ғўшалар, боғ-роғлар ортада қолди. Шом қуюлиб борар, кўкни гулжон юлдузлар қоплаб олганди. Сарҳадсиз саҳро ўфқ билан тутшиб, яқкам-дуқкам гўшлар — янтоқ, саксовул, юлгин, шувок элас-элас кўзга ташланарди. Тонг отсада хали-хануз Қизилқумни кесиб борарди. Хайриятки, бийдай чўл тугаб, сўлим Туртқул шаҳри, сўнг эса Беруний тумани кўринди. Манзил хали олис эрталардагидек йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрига етдик.

Мўъжазгина шаҳар, пурвикор бинолар. Кўчалар осуда, транспорт қатнови кам. Оҳақ сурталгандек таъураб ётган ерлар диққатни тортади. Кўклайми яшиллик, баҳорий ифори деярли сезилмайди, бироқ нукусликлар учун бу ша-

сотиб олинди. Жорий йил таъмир ишлари учун яна 24 миллион сўм ажратилиши кўзда тутиляпти.

Қаторда нуринг бўлса, юқинг ерда қолмайди, деган нақлга бу ерда яна бир қарра ишонч ҳосил қилди. «Орол жамғармаси» раиси Уббаниёз Аширбеков саъй-ҳаракати ўлароқ шифохонага 15 миллион сўмлик дори-дармон олиб берилди. «Буён томири» АЖ раҳбари Султон Қаниёзов 900 минг сўмлик ўрин-қўрпалар учун чойшабар келтирди. Телеком жомаси 5 та, касабаси уюшма томонидан 1 та рангли телевизор соғва қилинди.

Давлат муассасалари ва жомат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кенгашининг Қора-

ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

қалпоғистон Республикаси бўйича вакилликда Мирас Сейтов раҳбарлик қилмоқда. Ҳаракатдаги жомаси шартномаларига қўшимча равишда ишчи-ҳодимларнинг ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришда имтиёзлар берилади. Шулардан келиб чиқиб, Нукус шаҳар ҳокимлиги ва жомат ташкилотлари билан ҳамкорликда мутасаддиқ ходимлар иштирокида шаҳардаги 17 та муассаса, қорхонада ёшлар ўртасида учрашув, мулоқотлар ўтказилляпти. Шунингдек, вакилик тизимидagi ташкилотларда ходимлари жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратилмоқда. Касабаси уюшма аъзоларини ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга жиддий эътибор қаратилляпти.

Қорақалпоғистон Республикаси касабаси уюшмаси Кенгаши раиси Соғиндиқ Ниетуллаев бизни илҳам қилди ва маданий-маърифий, спорт ишлари бўлими мудири Қувватбой Қадримутовни чақириб тоашириқ берди. Қувватбой теъзор экан, бироқ сафар йўналишини белгилаб олди.

Кун чошгоҳдан оғди. Март кўеши хануз нур сочарди. Республика таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Кенгаши раиси Бибойиқ Юсупова иккимизни 1-Меҳрибонлик уйи раҳбари вазифини бажарувчи Светлана Михайлова Цой ва Хўжайли туман таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма етакчиси Омонкул Бобониезов кўтиб олди. Айтгандай, биз бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси бош прокурори Х.Ҳалилов ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Б.Султоновларни учратдик. Айтишларича, улар бу масканга тез-тез келиб, имкон қадар ёрдамлашиб туришар экан. Жумладан, замонавий чўмилиш хавзасининг бунёд этилишида уларнинг ҳам ҳиссаси бор.

Етим қолган болалар давлат ҳимоясида. Кўнгидаги бўшлиқни тўлдириб қийин, аммо бу болакайларнинг униб-ўсиб етуқи инсон бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароит яратилаётди. Мазкур гўшада 155 нафар ўғил-қиз меҳр оғушида тарбияланаётди. Сирасини олганда, уларнинг егани олдида, емагани кетида. 108 нафар жомаси ахли, демакки, шунча касабаси уюшма аъзоси улар атрофида парвона. Дарвоқе, яқинда касабаси уюшма томонидан рангли телевизор тўхфа этилди. Мавсумда 100 нафар тарбияланувчи оромгоҳда дам олдирилди. Буни қарангки, Хўжайли туманидаги ушбу Меҳри-

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма Кенгаши, (раиси Лизахон Бойбусинова) тизимда 40 минг 974 нафар аъзо бўлиб, улар 9601 та бошланғич касабаси уюшма қўмитаси таркибига бирилашган.

Республика болалар қаллоқлари бош шифокори Марям Собирова ва бошланғич касабаси уюшма қўмитаси аъзолари билан суҳбатимиз мобайнида жомаси шартномасида меҳнат ахлининг ижтимоий ҳимояси, ҳақ-ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилганлигини билдиб олдик.

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, мазкур шифохона Қорақалпоғистондаги йирик саломатлик муассасаларидан бири бўлиб, мавжуд 6 та бўлимда хасталикка чарангли телевизор тўхфа этилди. Мавсумда 100 нафар тарбияланувчи оромгоҳда дам олдирилди. Буни қарангки, Хўжайли туманидаги ушбу Меҳри-

Шарофат ИСКАНДАР қизи, «Ишонч» муҳбири

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖА БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулк қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича 2006 йил 27 мартдан қўйилганлигини маълум қилимаиз.

Хар савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасаядиган давлат улуши

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 4 микрорайонда жойлашган «Узфармасаноат» ДАК таркибидagi «Лечива-Фармасаноат» МЧЖнинг 6,1 фоиз давлат улуши


Бошланғич баҳоси — 31034,5 минг

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг.

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлар объектларини харид қилишнингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қорақамийш 2/4 массиви, Маҳмад Уразбоев кўчаси, 1«А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси. Телефонлар: 399 80 26, 136 15 28. Факс: 136 26 26 www.rkmb.uz



олибсатарларга беришга мажбур бўлмоқда. Олибсатар эса кўпроқ фойда илҳамиди асалга қиём аралаштириб, неъматнинг сифатини бузади. Бунинг устига «Зомин асали» деб пуллаб, кишиларда фирма маҳсулотига нисбатан ишонсизлик уйғотди. Шунинг учун асал савдосида қатъий тартиб ўрнатил зарур.

Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги олдидан

Хоразм — инсониятнинг энг қадимий цивилизация ўчоқларидан биридир. Бу ҳудудда энг қадимги даврлардавоқ ўзига хос маданий, давлатчилик, диний анъаналар шаклланиб, Марказий Осиёда илк ёзув ва билим ўчоғи ўлкада бўлганлиги ҳам тарихий ҳақиқатдир.

Маълумки, IX-XIII асрлар Шарқда илм-фан ва маданиятнинг юксалиш даври бўлди. Бу тарихда "Ренессанс", яъни Уйғонish даври деб аталади. Албатта, бу жараёнда олим-физикларнинг аъзолаш, уларга ҳомилий қилиш одат турига кирган. Зиёли ҳукмдорлар фанининг турли соҳаларини пухта эгаллаган ақли, заковати, илмга чанқок кишиларни йиғиб, уларнинг илмий фаолияти учун тўлиқ шартлар ярати берилган. Бу эса жаҳон илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган олимларнинг ижодида кенг йўл очиб берган.

«МАЖЛИСИ УЛАМО»

Масалан, антик даврда қадимги Юнонистон заминда олимларнинг ўзига хос илмий муассасаси — Афина академияси амал қилганлиги, бу ерда Платон, Аристотель каби замонасининг буюк мутафаккирлари ижод қилганлигини яхши билимиз.

Худди шундай, илмий кўтаринкилик, юксалиш ҳолатини биз Араб халифалиги даврида кузатамиз. Машхур, афсонавий, адолатпеша халифа Хорун ар Рашид (786-809)нинг иккинчи ўғли Абу Аббос ал-Маъмур халифалиги йилларида (813-833) Бағдодда Исломоламининг буюк уламоларини йиғиб, уларга ҳар томонлама ҳомилий қилган. "Байт ул-хикма", яъни "Донишмандлар уйи" номи билан машхур бўлган маъмур илм мас-

998 йили Маъмур вафотидан кейин тахта чиккан Али ибн Маъмур маърифатпарвар ҳукмдорлардан бўлган. Унинг даврида ўлкада барқарор сийсий вазият вужудга келди. Берунийнинг маълумотига кўра, Хоразм худудий жиҳатидан унча катта бўлмаса-да, аммо жуда бой мамлакат эди. Хоразмнинг бу даврдаги юксалиши, Буюк Ипак йўлининг шимолий йирик тармоғи айна шу ердан ўтганлиги ҳам катта рол ўйнаган. Кавказ, Византия, Хазар,

канининг аксарияти Ўрта Осиёлик олимлар бўлишган. "Байт ул-хикма"га хоразмлик машхур аллома Муҳаммад ал-Хоразмий раҳбарлик қилган. Бу эса ота-боболаримизнинг юксак илмий салоҳиятига, нуфузига эга бўлганлигидан далолат беради.

Х асрда яшаб ўтган машхур араб сайёҳи, Ибн Хаври "Йўллар ва мамлакатлар" номи асаридида хоразмликларнинг илмга ниҳоятда чанқоқлигини ва зукколигини алоҳида қайд этиб, "Хозир Бағдодда хоразмлик шоғирди бўлмаган бирорта қози, фақх ёки илм аҳли йўқдир", — деб ёзиб қолдирганлиги ҳам бежиз эмас.

IX аср охири X аср бошларида араб халифалиги чўқур сийсий тангликни бошидан кечирди. Чекка ўлкаларда озодлик интилиш кўчалари, мустақил давлатлар ташкил топа бошлади. Урганч амира Маъмур I ибн Муҳаммад ибн Ироқ 995 йилда ўзоқ йиллардан бери Хоразмда ҳукмронлик қилиб келаётган, бу даврда фақат Жанубий Хоразмни идора қилаётган Африғийлар давлатини тугатади. Натижада Хоразм марказлашган давлатга айланди. Бу эса ўлкада иқтисодий мустаҳкам, сийсий барқарор муҳитнинг вужудга келишига имкони яратди.

Бу вақтда Журжонда яшаётган Беруний 1004 йилнинг бошида Абу Насрининг

таклифи билан Хоразмнинг пойтахти Гурганга келади. Абу Наср ибн Ироқ ва Абу Райҳон Берунийнинг таклифлари билан Шарқнинг етук илмий марказлари, яъни Нишопур, Балх, Бухоро, Хирот, шунингдек, Араб халифалигининг бошқа шаҳарларидан кўплаб олимлар Гурганга кела бошлади. Чунки бу ерда илм аҳлининг яшаши ва ишлаши учун жуда яхши шарт-шароитлар яратилган эди. Натижада Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий,

берилган. Али ибн Маъмур пойтахти Гурганга келади. Абу Наср ибн Ироқ ва Абу Райҳон Берунийнинг таклифлари билан Шарқнинг етук илмий марказлари, яъни Нишопур, Балх, Бухоро, Хирот, шунингдек, Араб халифалигининг бошқа шаҳарларидан кўплаб олимлар Гурганга кела бошлади. Чунки бу ерда илм аҳлининг яшаши ва ишлаши учун жуда яхши шарт-шароитлар яратилган эди. Натижада Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий,

Шу асосда 1004-1005 йилларга келиб, Гурганда "Дор-ул-хикма ва Маориф" ёки айрим манбаларда "Мажлиси Уламо" номи билан маърифат маркази тўла шаклланди. Бу ерда фанининг даяри бarchа соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган. Фарб ва Шарқ олимларининг кўплаб асарлари, манбалари тўпланган, юнон, ҳинд, араб тилларидаги асарлар атрофлича ўрганилган, ўнлаб китоблар битилган. XIX-XX асрларда яшаган олимлар маъмур илмий муассасанинг фаолиятини хар томонлама ўрганиб, ўзига хос универсал, кенг қамровли марказ бўлганлиги учун "Академия" деб аташди. «Мажлиси Уламо»нинг бевосита ҳомиийси ва раҳнамоси Хоразмшоҳ, Али ибн Маъмур бўлганлиги учун ҳам ҳақли равишда унга «Маъмур академияси» номи

Ал-Хўжандий, ас-Саолиби каби ўнлаб олимлар Гурганга тўпландилар.

Шу асосда 1004-1005 йилларга келиб, Гурганда "Дор-ул-хикма ва Маориф" ёки айрим манбаларда "Мажлиси Уламо" номи билан маърифат маркази тўла шаклланди. Бу ерда фанининг даяри бarchа соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган. Фарб ва Шарқ олимларининг кўплаб асарлари, манбалари тўпланган, юнон, ҳинд, араб тилларидаги асарлар атрофлича ўрганилган, ўнлаб китоблар битилган. XIX-XX асрларда яшаган олимлар маъмур илмий муассасанинг фаолиятини хар томонлама ўрганиб, ўзига хос универсал, кенг қамровли марказ бўлганлиги учун "Академия" деб аташди. «Мажлиси Уламо»нинг бевосита ҳомиийси ва раҳнамоси Хоразмшоҳ, Али ибн Маъмур бўлганлиги учун ҳам ҳақли равишда унга «Маъмур академияси» номи

Ш.САИДОВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди



Спорт оламида

Футбол

АШУРМАТОВ - ЎТТИЗ ЁШДА

Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда Самаранин "Крилья Советов" жамоаси ҳимоячиси Бахтиёр Ашурматовнинг ўзбек футболда ўз ўрни бор. У айна кунларда ўзи аъзо бўлган "Крилья Советов" жамоаси таркибидида майдонга тушишга ҳозирлик қўрипти.

Жамоа бош мураббийи Гаджи Гаджиев навбатдаги турда "Рубин" жамоасига қарши ўйнади Ашурматов хизматидан фойдаланиши мумкин. Дароқе, футболчи айнан шу кунни ўзининг ўттиз ёшини нишонлайди.

МУРАББИЙ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАРИЛДИ

Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида Муборакнинг "Машъал" жамоаси билан бир гуруҳда тўп сурадиган Саудия Арабистонининг "Ал-Хилол" жамоаси навбатдаги ўйинларга 17 кун қолганда бош мураббийини истеъфога чиқарди. "Машъал" нинг асосий рақибларидан бири саналмиш ушбу жамоа сўнгги вақтларда ички чемпионат баҳсларида жуда бўш ўйин кўрсатмоқда. Бразилиялик мутахассис Жозе Кандионининг ўз вазифасидан озод этилишига худди шу ҳол сабаб қилиб кўрсатилди.

Барчасига чидаб келган клуб раҳбарлари жамоанин сафарда "Ал-Айн" га қарши ўйиндаги мағлубиятини хазм қила олмади. Энди жамоани бошқа бир бразилиялик мураббий — Клебер бошқарадиган бўлди. Эслатиб ўтамиз, "Ал-Хилол" - "Машъал" учрашуви 12 апрел кунни Ар-Риёддаги ўйингоҳда ўтказилади.

Шоҳмат

БЎЛАЖАК ОНА - ЧЕМПИОН

Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ниҳоясига етган шоҳмат бўйича аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионатида хитойлик Сю Юэау зафар қўчди. У финалда россиялик Алиса Галлямовани мағлуб этди.

Энг қизиғи тақдирлаш маросими пайтида рўй берди. Янги жаҳон чемпиони қутилмаганда ўз галабасида тугуллажак фарзанди катта руҳий маъд бўлганини таъкидлади. Хитой тарихида энди у жаҳон чемпиониға айланган учинчи чемпион қиз сифатида ном қолдиради.

Бокс

ХАТТОН ВА КОЛЛАЦО КЕЛИШИБ ОЛИШДИ

Биринчи ярим ўрта вазнда жаҳон чемпиони Рикки Хаттон ҳамда WBАнинг ярим оғир вазндаги чемпионлик камари соҳиби Луис Коллацо ўзаро жанг ўтказишга келишиб олишди.

"Биз келишувдан унчалик рози бўлмасак-да жанг ўтказамиз, — дедан Коллацо мураббийи Нирмал Норрик. — Чунки биз барибир галаба қозонамиз. Биз молиявий жиҳатдан бироз ютқазган бўлсак-да, галаба ҳамиша ҳақлидир.

Ҳақиқатдан ҳам Рикки Хаттон бу жанг учун 2,9 миллион АКШ доллари миқдоридида муқофот олса, рақибни атиги 500 минг доллар маблағ олади.

А.ЮНСОВ тайврлади

Спорт оламида

«СУРХОН» КЎРИҚХОНАСИ

Ўзбекистон табиати, табиий бойликларини муҳофаза қилиш ва биохилма-хилликни сақлаш, ўрганишда кўриқхоналар мумим аҳамият касб этади. Улар, асосан, маълум бир худуддаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳамда уларнинг ирсий ахилтирлигини муҳофаза қилиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва кўпайтириш мақсадида ташкил этилади. «Сурхон» давлат кўриқхонаси ана шундайлардан биридир.

Мазкур кўриқхона 1986 йили ташкил этилган бўлиб,



ВЕНГЕР ШАРҚШУНОСИ ДАСТХАТИ БИЛАН

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Миллий кутубхонасининг нодир адабиётлар бўлимида Шарқ мумтоз адабиётининг қатор ажойиб намуналари бор. Машхур «Шайбонийнома» асарининг немис тилидаги нашри ҳам эътиборни ўзига тортади.

Ушбу китобнинг ички варағида: «Тошкентдаги ўқитувчилар семинарияси китобхонасига совға. Аҳ Дун Вамбер» дедан дастхати ҳам ўқиб мумкин.

Дарҳақиқат, бу асарни Венгрия Фанлари академиясининг аъзоси ҳисобланган шарқшунос олим А.Вам-

бери немис тилига таржима қилган эди. Венгер олими ва сайёҳи Туркистон бўйлаб сафар қилганда мумтоз шоирлар ижоди билан қизиқиб танишган эди. «Шайбонийнома» асари ҳам унинг эътиборини ўзига тортди.

Кейинчалик асарни таржима қилиб, алоҳида тўплам ҳолида чиқаришга мавқоф бўлди. Мана шунга ҳам 120 йил бўлди. Хурмат ва эҳтиром белгиси сифатида таржимон унинг бир нусхасига ўз дастхатини ёзиб, Тошкент кутубхонасига тортиқ қилганди.

Бундан 120 йил муқаддам босиб чиқарилган маъмур китоб Ўзбекистон Мил-

НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Мамлакатимизда япон тили бўйича «Нотиклик санъати» танловини ўтказиш яхши анъанасига айланиб қолди. Республика-миздаги япон тили маркази ҳомилийида уюштирилган билим ва маҳорат кўриғида талаба-ёшлар ўз иқтидорларини намойиш этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар.

Навбатдаги бундай тадбирда Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд Давлат чет тиллари институти вакиллари иштирок этиб, япон тилини пухта ўзлаштириётганларини амалда кўрсатдилар.

Япон тилида «Бахт кимга қулиб боқадир?», «Сехрли кўлар», «Гўзаллик» дедан мавзуларда қилинган маърузалар голиб деб топилди. Фоллиблар япон тили бўйича «Нотиклик санъати» республика танловида қатнашиш учун йўлланма олдидлар.

«ЗОЛУШКА» ХОРИЖДА

«Ўзбекдавлатцирк» ижодий уюмаси ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Золушка» театри томонидан тайёрланган томоша дастурлари жойларда ҳам намойиш қилинмоқда. «Золушка» деб номланган янги постановка эса чет эл гастролли дастуридан ўрин олди.

Кизиқарли цирк ўйинларини моҳирона ижро этишга ўргатилган цирк нафар ит актёрлигида сахналаштирилган бу томоша бангкоклик томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Бир неча кун давом этган маъмур ижодий сафардан қайтган театр жамоаси Тошкентдаги томошаларини намойиш этган, яна чет эл гастроллига йўл олди.

Бу сафар «Золушка» дастури япониялик цирк муҳлислари эътиборига ҳавола этилди. Кунчиқар мамлакатнинг Нагано шаҳрига қилинадиган маъмур ижодий сафарда япониялик цирк усталари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

А.АЛИЕВ

«Инсонга наф келтириш-олий бахт» танловига

Инсоннинг табиати кизик. Баъзан у оддий ҳодисалардан ҳам каттик таъсирланиб қолади. Омон Фуломовнинг хаёлини ҳам шоғирларидан келган мактуб тўзғитиб юборди. Бу нечаничи экан, деб ўйланган у. Қарийб ўн мингдан ошмиқ номлар олган бўлса-да бу кадар хис-ҳаяжонга берилмаганли. Қаранг, спортдаги фаолиятига ярим аср тўлибди. Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаса экан. Аммо қачонлариди тўғри йўлга бошлаган, озми-кўпми таълимини олганлар уни сира ёддан чиқаришмайди.

ТАҚДИР ТАБАССУМИ

Уруш йиллари «Ростсельмаш» заводидида оддий ишчилликда суяги қотди. Мушаклари бўртиб чиққан пайдор йигит спортни жон дилдан севарди. Шу боис дастоҳқ ёнида қолмади. 1949 йилда Тошкент жисмоний тарбия техникумига ҳужжат топшириб, синовлардан ўтди. Устозлари ундаги яширин қобилиятини илғаб, мураббийлик йўлидан боришни тавсия этди. Бу далда уни Москва шаҳридаги жисмоний тарбия институтига етаклади. 1961 йилда уни тамомлаб, Тошкентга қайтди. Аммо она шаҳрида соҳа мутахассислари етарлича бўлганлиги боис Сурхондарё вилоятида фаолият юритишга тавсия қилинди. Етти йил воҳада неларга қодирлигини намойиш этишга тўғри келди. Омон Фуломов ташкилотчилиги, тиришқоқлиги билан танилди. Вилоятнинг чекка худудларига эринмасдан борар, спорт тўғрараклари ташкил қилишининг урдасидан чиқарди. Эпчил йўриқчини кўп ўтмасдан собиқ «Пахтакор» спорт жамияти, сўнгра вилот спорт кўмитаси раҳбарлигиға тавсия этишди. Худудда қисқа фурсатларда соҳага иштироқманд ёшлар сони 30 минг нафарга кўпайди. Спорт жамиятлари, тўғрараклари фаолияти жонлангирди. Мамлакат миқёсидаги спорт беллашувлари қатнашчилари сони ошди. Омон Фуломов ҳеч маҳал ўзини раҳбар деб хис этмаган. У доимо мураббий маконида юрар, шу боис ёшлар кўнглидан жой топа биларди. Мехнат кишини улуглайди, элга танитади. Ташаббускор йигит раҳбарлар назаридан четда қолмади. Уни

Мехнатқашлар ва улар фарзандларини соғломлаштириш, меҳнат жамоаларида спорт оммавийлигини таъминлашга бутун вужуди билан интилиб келди.

Юракдаги меҳр тафти ҳеч маҳал сўнмасакан. Умрини одамларни спортга жалб этишга, чиниктиришга баҳшида этган Омон Фуломов ҳеч маҳал чекинмади. У дам олиш таътили нелгини билмасдан келаётганлардан бири. Мана ёши саксондан ошса-да ҳамон сафда. Худди йигитлардек ажир, чаққон. Спорт мактабиди йўриқчи-услубчи, етакчи мутахассис. Нечанчи авлодга етакчилик қилаётганини аниқ айтиб беролмасак-да, ёшларни улугвор режалар сари йўллашда қарилликка бўйин эгмай келаяпти. Бир тасаввур қилинг, 10 — 15 ёшлик ўсмирлар билан тенгма-тенг баҳс бойлаётган, юришда уларни доғда қолдираётган устозга тан бермай ҳеч илож йўқ. Соатлаб тўп суришда, турли акробатик машқлар ижросида йигитларни доғда қолдираётган қария тетик ва бардам.

— Тенгқурларимнинг аксарияти асо ушлаганига кўп йиллар бўлди, — дейди Омон Фуломов. — Аммо жисмонан чиникининг сиру синоатини, кудратини ўзимда ҳис этаман. Спорт бу — соғлиқ, узоқ умр гаровидир. Шу боис юртимизда соҳага эътибор катта. Чунки ҳукуматимиз барча бирдек соғлом, баркамол бўлишини истаиди. Буни ҳар биримиз чуқур англашимиз керак. Умрим давомиди одамларни чиниқишга, спорт этагини тутишга ундаб келдим.

Гулистонда бир одам бор. У хар тонгни спорт йўлидаги қаршилайди. Хали кўпчилик ором олаётган пайтда йўлақлардаги чексизликни забт этишга отланади. Одатий кун, одатий машғулот. Асрга тенгдош буладиган кунни ҳам спорт жаҳасида нишонлашга аҳд қилган оқсоқол ҳамон шоғирлар қуршоғида.

Миржалол ОТАБЕКОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюмаси Сирдарё вилот кенгаши бўлим мудри

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан руйхатга олинган.
IBM компьютеридида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 18855 Буюртма Г— 514
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чикда бошлаган
Махсуслики: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.